Tadqiqot.uz

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

9 ЖИЛД, 10 СОН

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 9, НОМЕР 10

## LOOK TO THE PAST

VOLUME 9, ISSUE 10

ТОШКЕНТ-2026

ЎТМИШГА НАЗАР | ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ | LOOK TO THE PAST
№10 (2026) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2026-10

**Бош муҳаррир:**
**Главный редактор:**
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**
**Заместитель главного редактора:**
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик, Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети*

**Юнусова Хуршида Эркиновна**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Ўзбекистон Миллий университети*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор, ЎзР. ФА. Тарих институти*

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор, ЎзР. ФА. Тарих институти*

**Бурдиашвили Майя**
*тарих фанлари доктори (DSc), Телави давлат университети*

**Кожакеева Ляззат Темировна**
*тарих фанлари доктори (DSc), доцент, Хотин-қизлар давлат педагогика университети*

**Аминова Азиза Марксовна**
*тарих фанлари доктори (DSc), доцент, Навоий давлат педагогика институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**
*тарих фанлари доктори (DSc), Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети*

**Худайқулов Тулқин Дўстбобоевич**
*Тарих фанлари доктори (DSc) Шаҳрисабз далат педагогика институти*

**Ғоффоров Шокир Сафарович**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор Самарқанд давлат университети*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**
*Тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Қарши давлат техника университети*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Тошкент давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Ўзбекистон Миллий университети*

**Эшов Боходир Жўраевич**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор Қарши давлат университети*

**Маҳкамова Надира Рахмановна**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Тошкент ахборот технологиялари университети*

**Кебадзе Мадонна**
*тарих фанлари доктори (DSc), Телави давлат университети*

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**
*тарих фанлари доктори (DSc), доцент, Нукус давлат педагогика институти*

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**
*тарих фанлари доктори (DSc), Ўзбекистон Фанлар академияси*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Ўзбекистон Миллий университети*

**Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Андижон давлат университети*

**Рашидов Ойбек Расулович**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор Наманган давлат университети*

**Ковалев Борис Николаевич**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор Санкт-Петербург Тарих институти*

**Кобзева Ольга Петровна**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Ўзбекистон Миллий университети*

**Ауанасова Алима Мусировна**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Қозоғистон давлат тарихи институти*

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**
*фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор, Қозоғистон Миллий университети*

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Ўзбекистон Миллий университети*

**Тожибоев Музаффар Турдибоевич**
*тарих фанлари доктори (DSc), профессор, ИИВ Академияси*

**Алиева Лале**
*тарих фанлари доктори (DSc), Озарбайжон давлат университети*

**Саипова Камола Давляталиевна**
*тарих фанлари доктори (DSc), доцент, Ўзбекистон Миллий университети*

**Исмаилова Алмаз**
*тарих фанлари доктори (DSc), Доғистон мустақил университети*

**Иноятова Диларам Маниглиевна**
*Тарих фанлари доктори (DSc), профессор Ўзбекистон Миллий университети*

**Таниева Гулдона Мамановна**
*тарих фанлари доктори (DSc), доцент, Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогока университети*

# ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ | РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ | EDITORIAL TEAM:


**Дорошенко Татьяна Ивановна**
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети*

**Ширванова Тарана Амирага кызы**
*тарих фанлари номзоди, доцент, Азербайджон давлат иқтисодиёт университети*

**Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич**
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Гулистон давлат педагогика институти*

**Нуруллаева Шоира Кушназаровна**
*тарих фанлари номзоди, доцент, Урганч давлат университети*

**Курбанов Бахтияр Журабаевич**
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Наманган давлат университети*

**Хакимова Шоира Сағдуллаевна**
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), UBS Тошкент филиали*

**Толибоева Нодира Одилжоновна**
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети*
***Масъул котиб***

**Теймураз Ахалмосулишвили**
*тарих фанлари номзоди, профессор, Телави давлат университети*

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**
*тарих фанлари номзоди, профессор, Қозоғистон дипломатия академияси*

**Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна**
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети*

**Исаков Бахадир Нигматуллаевич**
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети*

**Холмуродов Дилшод Рашидович**
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Жиззах давлат педагогика университети*

**Юсупов Ахмеджон Шоназарович**
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доценти Urganch davlat universiteti*

**Тиллахжаева Хуршида Джумаваевна**
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент давлат техника университети*

**Одилов Аброр Анварович**
*тарих фанлари доктори (DSc), доцент, Ўзбекистон Миллий университети*
***Масъул котиб***

**Исоқов Бахтиёр Робиддинович**
*тарих фанлари номзоди, доцент, Наманган давлат университети*

**Тўхтабаев Аъзамжон Шарипхўжаевич**
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Наманган давлат университети*

**Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич**
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Наманган давлат университети*

**Алимардонов Отабек Қудратович**
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доценти Ўзбекистон Миллий университети*

**Хасанова Нодира Ибрагимовна**
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доценти, Денов тадбиркорлик ва педагогика институти*

**Турсунова Юлдуз Бобоқуловна**
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), ЎзР. ФА. Тарих институти*

**Азаматова Гулмира Байирбековна**
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Jizzax davlat pedagogika universiteti*

**Абдуносирова Озодахон Ботиржон қизи**
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Фарғона давлат университети*

**Каримжонов Жасурбек Мухторжонович**
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Миллий университети*



Page Maker | Верстка | Са ,ифаловчи: Xurshid Mirzaxmedov

**Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz**
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

# МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

**1. Laziz Alimardonov**
YOSHLARNING AXBOROT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASHDA MA’NAVIY TEXNOLOGIYALARNI TAKOMILLASHTIRISHNING USTUVOR YO‘NALISHLARI……5

**2. Doniyor Jumaniyozov**
XIV–XV ASRLARDA XORAZMNING SAVDO TIZIMIDAGI O‘RNI: SHAHARLAR, KARVON YO‘LLARI VA NUMIZMATIK MANBALAR TAHLILI……11

**3. Nilufar Djurayeva**
O‘ZBEKISTONDA SOVET DAVRI VA MUSTAQILLIK YILLARIDA XOTIN-QIZLARNING IJTIMOIY FAOLLASHUVIGA DOIR DAVLAT SIYOSATI: TARIXIY EVOLYUTSIYA VA QIYOSIY TAHLIL……17

**4. Baxtiyor Mirkomilov**
BADIIY QADRIYATLAR – MILLIY BOYLIK VA JAHON DURDONALARI SIFATIDA……30

**5. Murod Raxmatov**
AHMAD ZAKI VALIDIY TO‘G‘ONNING XORIJDAGI ILMIY FAOLIYATI……39

**6. Nilufar Raxmatova**
GLOBALLASHUV JARAYONIDA YOSHLARNI MILLIY G‘OYA, MA’NAVIYAT VA TARIXIY MEROS AN’ANASIDA TARBIYALASH TAMOYILLARI……46

**7. Raxmatjon Saotboyev**
XVIII–XX ASR BOSHLARIDA MARKAZIY OSIYO XONLIKLARINING SIYOSIY - BOSHQARUV TIZIMI VA TASHQI SIYOSIY OMILLAR TA’SIRIDAGI O‘ZGARISHLAR…53

**8. Ikromjon Umarov**
XX ASR BIRINCHI CHORAGIDA SURXON-SHEROBOD VOHASIDA SUG‘ORISH INSHOOTLARI VA SUVDAN FOYDALANISHNING AN’ANAVIY SHAKLLARI……..58

**9. Ra’no Xatamova**
O‘ZBEKISTONDA XIX-XXI ASR GILAMDO‘ZLIK TARIXINING MANBASHUNOSLIGI…65

**10. Raxim Xudoyberdiyev**
TERMIZ VA CHAG‘ONIYON HUDUDLARIDA SIRLANGAN KERAMIKANING SHAKLLANISHI VA RIVOJLANISHI……70

**11. Муродилла Ҳайдаров**
ОКТЯБР ТЎНТАРИШИ: БОЛЬШЕВИКЛАРНИНГ СОЦИАЛ ТАЖРИБАСИ ВА ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧЛАР НИСБАТИ……76

**12. Озоджон Қувондиқов**
ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ ЎРТАСИДАГИ ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КОНРАД АДЕНАУЭР ЖАМҒАРМАСИНИНГ ЎРНИ……85

JOURNAL OF LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР | ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ISSN: 2181-9599
www.tadqiqot.uz

**Муродилла Ҳайдаров,**
Геология фанлари университети
Тарих фанлари доктори, профессор

# ОКТЯБР ТЎНТАРИШИ: БОЛЬШЕВИКЛАРНИНГ СОЦИАЛ ТАЖРИБАСИ ВА ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧЛАР НИСБАТИ

**For citation:** Murodilla Haydarov. THE OCTOBER COUP: THE SOCIAL EXPERIENCE OF THE BOLSHEVIKS AND THE RATIO OF DRIVING FORCES. Look to the past. 2026, vol. 9, issue 10.

**http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.23674299**

**АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада 1917 йилги Октябр тўнтаришининг содир этилиш жараёни, болшевиклар партиясининг ҳокимиятни қўлга киритиш йўлидаги ижтимоий-сиёсий тажрибаси ҳамда инқилобий ҳаракатларда иштирок этган асосий ижтимоий қатламларнинг нисбати ва ўзаро муносабатлари илмий-танқидий ёндашув асосида таҳлил қилинади. Муаллиф даврнинг архив ҳужжатлари ва бирламчи манбаларига таянган ҳолда, пролетариат, деҳқонхона, армия ва сиёсий кучларнинг реал манфаатларини ҳамда уларнинг инқилобий динамикага таъсирини очиб беради. Шунингдек, мақолада болшевикларнинг оммавий онгга таъсир қилиш механизмлари, ижтимоий тажрибанинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг кейинги тоталитар тузум шаклланишидаги ўрни ёритилган.

**Калит сўзлар:** Октябр тўнтариши, болшевиклар, сосиал тажриба, ҳаракатлантирувчи кучлар, синфий нисбат, ижтимоий-сиёсий инқироз, инқилобий жараёнлар.

---

**Муродилла Хайдаров,**
доктор исторических наук, профессор
Университет геологических наук

# ОКТЯБРЬСКИЙ ПЕРЕВОРОТ: СОЦИАЛЬНЫЙ ОПЫТ БОЛЬШЕВИКОВ И СООТНОШЕНИЕ ДВИЖУЩИХ СИЛ

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье на основе научно-критического подхода анализируются процесс совершения Октябрьского переворота 1917 года, общественно-политический опыт большевистской партии по захвату власти, а также соотношение и взаимоотношения основных социальных слоев, участвовавших в революционном движении. Опираясь на архивные документы и первоисточники эпохи, автор раскрывает реальные интересы пролетариата, крестьянства, армии и политических сил, а также их влияние на революционную динамику. В статье также освещаются механизмы воздействия большевиков на массовое сознание, особенности их социального опыта и роль в последующем формировании тоталитарного режима.

**Ключевые слова:** Октябрьский переворот, большевики, социальный опыт, движущие силы, классовое соотношение, общественно-политический кризис, революционные процессы.

---

**Murodilla Haydarov,**
University of Geological Sciences
Doctor of Historical Sciences, Professor

## THE OCTOBER COUP: THE SOCIAL EXPERIENCE OF THE BOLSHEVIKS AND THE RATIO OF DRIVING FORCES

**ABSTRACT**

This article analyzes the process of the October Coup of 1917, the socio-political experience of the Bolshevik party in seizing power, and the ratio and interrelations of the main social strata participating in the revolutionary movement, based on a scientific-critical approach. Relying on archival documents and primary sources of the era, the author reveals the real interests of the proletariat, peasantry, the army, and political forces, as well as their impact on the revolutionary dynamics. The article also highlights the mechanisms of Bolshevik influence on mass consciousness, the specific features of their social experience, and their role in the subsequent formation of the totalitarian regime.

**Index Terms:** October coup, Bolsheviks, social experience, driving forces, class ratio, socio-political crisis, revolutionary processes.

---

**Мавзунинг долзарблиги:**

Совет даври тарихшунослигида Октябр тўнтариши мутлақ "муқаррар" ва "халқ оммасининг олий иродаси" сифатида бир томонлама, мафкуралаштирилган тарзда талқин қилинган. Бугунги кунда архив ҳужжатлари ва бирламчи манбаларга таянган ҳолда, бу жараённи соф илмий, холис ва танқидий ёндашув асосида қайта кўриб чиқиш, большевикларнинг ҳокимиятни қўлга киритишдаги социал тажрибаси ва ҳаракатлантирувчи кучлар нисбатини (ишчилар, деҳқонлар, армия ва сиёсий партияларнинг реал улушини) ҳаққоний баҳолаш муҳим илмий эҳтиёж ҳисобланади.

Большевикларнинг инқилобдан кейинги дастлабки ижтимоий-сиёсий тажрибалари, жамиятни зўрлик билан қайта қуриш механизмлари, синфий кураш сиёсати ва унинг оқибатлари жаҳон ва минтақа тарихида чуқур из қолдирган. Ушбу тажрибани чуқур ўрганиш инқилобий радикализм ва оммавий норозиликлар фонида давлат бошқаруви ҳамда жамият трансформацияси қандай кечишини илмий таҳлил қилиш имконини беради.

1917 йилдаги сиёсий инқироз даврида турли ижтимоий қатламларнинг (пролетариат, деҳқонхона, зиёлилар) реал манфаатлари ва сиёсий кучлар нисбатининг ўзгариб бориши долзарб мавзулардандир. Большевикларнинг ўша даврдаги шиорлар (масалан, "Ер – деҳқонларга, фабрика – ишчиларга") орқали оммани ортидан эргаштириш технологияларини ўрганиш сиёсий социология ва сиёсатшунослик учун ҳам муҳим назарий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ва бутун постсовет ҳудудидаги тарихшунослик мактабларида тоталитар тузумларнинг шаклланиш илдизларини, совет ҳокимиятининг ўрнатилиш жараёнларини ва унинг жамиятга таъсирини янги методологик ёндашувлар асосида тадқиқ этиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан биридир.

**Тадқиқот методологияси:**

Мазкур мавзу ўта мураккаб сиёсий-ижтимоий жараёнларни, мафкуравий трансформацияларни ҳамда синфий зиддиятларни қамраб олгани боис, тадқиқот жараёнида кўп қиррали ва тизимли ёндашув талаб этилади, фанлараро ва комплекс методологиядан фойдаланилади:

Социал-синфий таҳлил: Инқилобий жараёнларга иштирок этган асосий ижтимоий қатламлар – пролетариат, деҳқонхона, армия (аскарлар ва матрослар), буржуазия ҳамда зиёлиларнинг манфаатларини ва уларнинг ҳаракатларидаги мотивацияни ўрганиш.

Тарихий-генетик метод: Болшевикларнинг ижтимоий тажрибаси (сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий чора-тадбирлар) қандай ҳисторик шароитда шаклланганини, уларнинг илдизлари ва босқичма-босқич ривожланиш динамикасини келиб чиқиш нуқтаи назаридан очиб бериш.

Қиёсий-тарихий таҳлил: Болшевиклар ҳаракатлантирувчи кучларнинг нисбатидан қандай фойдалангани ва бошқа сиёсий партиялар (эсерлар, меншевиклар) бу борада қандай хатоларга йўл қўйганини қиёсий ўрганиш. шунингдек, Россиядаги инқилобий тажрибани бошқа мамлакатлар ижтимоий ҳаракатлари билан солиштириш.

Тизимли ёндашув: 1917 йил кузидаги иқтисодий инқироз, давлат бошқарувидаги танглик ва ҳарбий омилларни ягона тизим сифатида кўриб чиқиб, болшевикларнинг ҳокимиятни эгаллаш механизмларини баҳолаш.

Мафкуравий холислик (объективлик): Совет даврида ҳукмрон бўлган "синфий курашнинг муқаррарлиги" каби догматик қарашлардан воз кечиб, жараёнларни архив ҳужжатлари, муқобил манбалар ва замонавий илмий талқинлар асосида холисона таҳлил қилиш.

Сиёсий социология элементлари: Инқилоб даврида оммaнинг онги, психологияси, радикаллашуви ва мафкуравий таъсирга берилиши механизмларини социологик методлар ёрдамида баҳолаш.

Ушбу методологик тамойиллар Октябр тўнтариши ва большевиклар тажрибасини бир томонлама эмас, балки кўп қиррали, илмий ва танқидий нуқтаи назардан чуқур ўрганиш имконини беради.

**Тадқиқот натижалари:**

Агар биз XX асрда бўлиб ўтган йирик ижтимоий сиёсий воқеаларнинг замирига назар ташласак, унда зўравонлик билан ўтказилган октябрь тўнтаришини кўрамиз. 1917 йил феврал инқилобини, халқ тилида айтганда “оқ подшо”нинг ағдарилишини миллионлаб тараққийпарвар кучлар, меҳнаткашлар, мазлумликдаги миллат ва элатлар хурсандчилик билан кутиб олишди. Халқ мустамлакачилик туфайли вужудга келадиган жабр зулмни асосий сабабчиси сифатида чоризмни кўрар эди. Петроградда бўлиб ўтган воқеалар таъсири остида Туркистонда янги жамият куртакларини шакллантириш учун қизғин ҳаракат бошланиб кетди. Туркистон ижтимоий сиёсий ҳаётида ўлка мухторияти масаласи асосий масала бўлиб қолди. Туркистонга мухторият мақомини бериш ғояси нафақат демократик зиёлилар орасида ҳатто оддий одамлар ўртасида хам анча оммалашган эди.

Жадидчилик 1917 йили маърифатчилик ҳаракатидан сиёсий ҳаракат даражасига аллақачон кўтарилган эди. Ўша 1917 йилнинг ўзида тўрт мартта Бутунтуркистон мусулмонлари қурултойи ўтказилди. 1917 йил 16-23 апрелда Тошкентда бўлган I қурултой демократик Россия таркибида Туркистон Мухториятини ташкил этиш ғояси олға сурилди. Бу ғоя Туркистон халқларининг ўз миллий демократик давлатчилигини тиклаш йўлидаги дастлабки қадами эди. Туркистондаги туб ҳалқлар, уларнинг ижтимоий сиёсий ташкилотлари ўлкада озодлик ва мустақиллик учун, унинг демократик Россия таркибида мухтор республика шаклидаги миллий давлат тузилиши учун фидокорона кураш олиб бораётган, шу билан бирга буларнинг хаммасига тинч воситалар (парламент йўли) билан эришишга интилаётган бир пайтда Туркистон большевиклари ўзларининг номақбул мақсадлари йўлида уруш ва хўжалик соҳасидаги вайронагарчилик туфайли юзага келган иқтисодий қийинчиликлар ва озиқ овқат етишмовчилигидан фойдаланиб, ҳокимиятни эгалаш учун бор кучлари билан интилдилар.

Ушбу тарихий даврда яъни Туркистондаги Октябр тўнтариши воқеаларида кенг халқ оммасининг иштирок этмаслигининг хал қилувчи омиллари қаторига октябрь ғояларининг бегоналиги, махаллий ишчилар синфининг вужудга келмаганлиги, большевиклар яккаҳукмронлигига асосланган ҳаракатлантирувчи кучларнинг таркиби хам киради. Шунингдек Октябр тўнтаришининг салбий оқибатлари нафақат ўлкада балки Россиянинг ўзида хам кенг кўламда намоён бўла бошлаган эди.

Совет адабиётларида “Улуғ Октябр социалистик революцияси” деб ном олган ушбу феномен ҳақида совет мафкурасининг тор партиявий қолипига, бирёқлама қарашларга асосланган юз минглаб номда миллионлаб нусхада китоблар, тадқиқотлар натижалари нашр қилинди. Бундан асосий мақсад халқнинг асрий орзу умидларини ифодачиси - большевиклар амалга оширган “октябрь революцияси” эди, мустамлакадаги халқлар қаторида Туркистоннинг маҳаллий аҳолиси бунда “фаол иштирок этди” деган сохта ақидани ижтимоий онгга сингдириш эди.

20-йилларнинг бошларида бу Октябр тўнтаришига обьектив қараш, холислик асосида баён қилиш бир сўз билан айтганда халқнинг асосий қисми учун унинг бегона эканлиги, тушунарсиз бўлганлиги, ўлка халқлари учун бош ғоя миллий мустақиллик бўлганлиги ёритилган[1].

1928 йилдан коммунистик партиядан ўзга партияларни таъқиқланиши ҳамда сталинизмнинг кучайиши билан 30 йиллардан фикр эркинлиги бўғилди. “Машҳур” ВКП(б)нинг кисқа маърузалари матни эълон қилингач бундай эркин мушохада юритишнинг ўзи муаллифлар учун хавфли бўлиб қолди. Тарихчи олима Д. Алимова бу ҳақда шундай тўхталиб ўтади: “Аммо айнан совет даврида тарих кўпроқ сиёсатнинг қуроли бўлиб қолди. Амалда тарих фани ва сиёсий ташвиқотларни ажратиб турувчи фарқли жиҳатларини олиб ташланишга олиб келди”[2].

Октябр революцияси ҳақида замонавий тарихшуносликда кўплаб турли талқинлар жамланди. Собиқ Иттифоқнинг сўнгги йилларида 1917 йил воқеаларини давлат тўнтариши эканлигини акс эттирувчи трактовкалар кўпроқ улушга эга бўлди. 1989 йилнинг январ ойида Москва Давлат Университетида «Улуғ Октябр тарихи: янгича ёндашувлар изидан» мавзусида Бутуниттифоқ конференцияси ўтказилди. Унда октябрь тўнтаришига шундай янгича бахо берилди. Яъни: Троцкизмга қарши курашни бошланиши октябрь ҳақида догматизацияни бошлаб берди. 20-йилларда асосий догма барқарор бўлди ва кейинги йилларда моҳиятини ўзгартирмасдан қолди. Улар: Россиянинг социалистик революцияга тўлиқ тайёр эканлиги, большевикларда «социалистик революциянинг сиёсий армияси мавжудлиги», 1917 йилда пролетариатнинг «монолитлиги», большевикларда социалистик қурилишнинг барча қирраларини очиб берувчи режанинг мавжудлиги масалаларидир[3].

ЎзССР ФА Тарих Институтида 1989 йил 15-16 ноябрда “Ўрта Осиё ва Қозоғистонда октябрь инқилоби: назария, муаммолар, илмий изланиш йўналишлари” мавзусида республикалараро конференция бўлиб ўтди. Унда Туркистонда асосан европали пролетариат ва солдатлар томонидан амалга оширилган октябрь тўнтаришининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилди. Р.Я. Раджапованинг таъкидлаб ўтишича “20 йиллар тарихчилари социалистик партияларнинг миллий масала, миллий озодлик ҳаракатларига беписандлик билан қарашининг давом эттирилиши Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистон ижтимоий ҳаётининг асосий омилларидан бири бўлиб, янги шароитда ўзгача маъно ва аҳамият касб этганлигини уқтириб ўтганлар”[4].

1993 йил 3-4 ноябрда МДУ ҳамда Россия ФАнинг «Россияда революциялар тарихи» деб номланадиган Илмий Кенгаши билан ҳамкорликда «1917 йил: Россиядаги революция ва тарихий воқеликнинг концепцияси» мавзусида конференция бўлиб ўтди. Бунда хам октябрь тўнтаришига янгича нуқтаи назар, цивилизацион ёндошув акс этди. Большевиклар томонидан қуйилган мақсад ва вазифалар ҳаётдаги социал ўзгаришлар билан кескин тафовут қилиши батафсил ёритилди.

Мамлакатимизда мустақиллик йиллари олиб борилган илмий тадқиқотларда, асарларда ҳамда дарсликларда кўплаб янгича қарашлар, холисона ёндошув вужудга келди[5]. Уларда кўплаб архив маълумотлари бошқа бирламчи манбаалар кўмагида октябрь тўнтариши мохиятига тўхталиб ўтилди. Шунинг билан биргаликда ушбу муаммо тўғрисида алоҳида тадқиқот олиб борилмаганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Дарҳақиқат, XX аср бошларидаги тарихий жараёнлар дунё сиёсий тизимини буткул ўзгартириб юборди. Петроградаги 1917 йил октябрь тўнтариши ҳам шундай зиддиятли тарихий воқеликдан бири эди. Даставвал Европада шаклланиб, Россия империясида тажриба

тариқасида «социалистик жамият» қуриш учун бўлган большевикча **эксперимент** илк қадамлариданоқ кўплаб қаршиликларга учради. Бу мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий қолоқлиги ҳамда «социалистик инқилоб»га тайёр эмаслиги ўша даврдаёқ таъкидлаб ўтилганди.

Бунда жуда кўплаб омиллар, капиталистик давлатларнинг янги ҳудудлар учун ўзаро урушлари ва бошқа жихатларни муҳим ўрин тутганлигини ёддан чиқармаслик лозим. Шунинг аввало Россиянинг ўзида Октябр тўнтаришининг воқеаларига тўхталиб ўтиш Туркистондаги ижтимоий сиёсий туб бурилишларни англашда ёрдам беради.

Россия империясидаги революцион воқеаларга чиқиш нуқтаси 1916 йилдан бошланди. Худди шунингдек, Туркистонда мардикорликка олиш ҳақидаги подшо фармони ҳам маҳаллий халқларнинг империя истибдодига қарши қўзғолонларга сабабчи бўлди. Революциянинг келтириб чиқарувчи муҳим омил бу ҳокимиятнинг ҳар томонлама обрўсизланиши эди. Ҳукуматга қарши ташвиқотлар ўз таъсирини ўтказа бошлади. 1917 йилги инқилоб тизимли империянинг инқирозининг мантиқий якуни сифатида эмас, сиёсий ва психологик вазиятни ягона тарихий нуқтага жамланиб қолиши бўлган белгиланади.

1917 йил инқилобига олиб келган сабаблар: қишлоқларда социал келишмовчиликка помешчик ер эгалиги сабабчи бўлиб, улар томонидан деҳқонлар ерларини эгаллаб олиш ва турли йўллар билан экинзорларини қўшиб олиш кучайтириб юборди.

Социал норозиликнинг учқунларини мужассам этган оммавий ёшлар безорилиги муҳитининг чоризм учун хавфи шунда эдики, халқнинг салмоқли қисмини ёшлари ташкил этарди. У маълум шароитда тез ва осонлик билан вайрон қилувчи революцион қўзғолонга айланиши мумкин эди. Уруш арафасидаги юқори даражадаги зўриқиш пролетариатга ҳам алоқадор эди. Майда ва ўрта корхоналарнинг ишчилари ўз норозиликларини майда-чуйда иқтисодий талаблар қўйиши ва бирор талаб қўйиб ўтирмай ишни тўхтатиб қўйиш кузатилди. Уруш кўрган солдатларда аввалги чиновникларлар-жандарм, урядник, пристав полициячиларга бўлган эҳтиром ва ҳайиқиш хисси йўқолиб борди. Уларни жамиятдаги мавқелари қаноатлантира олмасди. Офицерларда ҳам омма психологиясида кечаётган эволюция акс эта бошлади. 1916 йилнинг кузига келиб тушкунлик, норозилик кайфияти хатто армия генералитетини қамраб олди.

Ҳокимиятни фалаж бўлишида сезиларли масъулият зиёлилар зиммасига тушади. Зиёлилар ўз имкониятларини, мақсадларини ягона нуқтага жамлай олдилар, умумлаштирдилар ва бу билан чоризмнинг қолган-кутган шон-шавкатини қуйига тушириб ташладилар[6].

Сиёсий зўриқиш барча жабҳаларни қамраб олди. Мана биргина мисол. Москвадаги ўрта мактаб ўқувчиларининг бир ташкилоти ўз мустақил иш юритишлари ҳуқуқини қўлга киритиш учун «ота-оналар ва ўқитувчилар» билан кураш олиб боришга чақирди[7].

Инқилобий қиёматнинг асосий сабаблари сирасига давлат-сиёсий инқирозини қўшмаслик ҳам мумкин эмас. Биринчи жаҳон урушининг фаол иштирокчиси Россиянинг уч йиллик уруш харакатлари, 1917 йилнинг баҳоридаги мисли кўрилмаган иқтисодий вайронгарчилик давлат заҳирасини ва ҳалқнинг силласини қуритди. 1917 йил мартдан октябрьгача оммавий ишсизлик пайдо бўлди. Молиявий тизим буткул ишдан чиқди. «Кёренок» деб номланадиган пулнинг улкан оқими иқтисодиётни тўлдириб, мисли кўрилмаган инфляцияни келтириб чиқарди.

Аҳолининг аянчли аҳволи, перманент очарчиликнинг даҳшати, иқтисодий ва сиёсий хаос жамиятнинг сабр косасини тўлдирди. Чоризмнинг ағдарилиши билан ҳам орзу-умидлари ушалмаган халқнинг қаҳр-ғазаби ортиб, аҳолининг кучли радикаллашишига олиб келди. Муваққат ҳукумат мамлакатни бошқара олмаслигини кўрсатди. Мавжуд сиёсий кучлар орасида большевиклар ўзгалардан кўра вазиятга тўғри ташхис қўя олди ва уни ўз мақсади йўлида, ҳокимиятни эгаллашда фойдаланди.

Паупер – люмпен тўфони оммавий маргинализация [8] жараёнини бошлаб берди. Айнан омманинг паупер – люмпенлари ва маргиналлари революциянинг социал базаси бўлишди. Большевикларнинг бош шиорлари «таланган бойликларни талаш»,

«эксплуататорларни эзиш”, «ошпаз аёл ҳам давлатни бошқариши мумкин» деган шиорлари жамиятнинг маргинал паупер-люмпен қатлами томонида жону-тан билан кутиб олинди[9].

Бу кескин ўзгаришлар у ёки бу шаклда метрополия бўлмиш Туркистонда ҳам акс садо берар эди. Аммо бу ердаги ажралиб турувчи жихат инқилобнинг социал сиёсий масалалари империя марказидек кўндаланг қўйилмаган эди. Бунинг устига феврал инқилобидан сўнг мустамлакачилик авжига чиқди. Чоризм аввалгидек мустамлакадаги таянч кучлар учун иқтисодий имтиёз яратиб бера олмай қолди. Қудратли империяга путур етгани европали аҳолини ташвишга солиши табиий эди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек Туркистондаги Октябр тўнтариши воқеаларига маҳаллий аҳолининг кенг иштирок этмаганлигининг маълум сабаблари бор эди. Ўлка халқлари империя ҳудудларидан кириб келадиган ҳар қандай ғояларни бирданига қабул қилмасдан, эхтиётkорона муносабатда бўларди. Уларнинг ўзга ғояларга бундай муносабатда бўлишига сабаб чоризм томонидан ўлкани босиб олинишидаги ҳарбий ҳаракатлар ҳамда миллий озодлик курашларини ваҳшиёна бостирилгани эди. Охиргиси 1916-йилги халқ қўзғолони қонга ботирилгани ҳам халқ хотирасида турарди. Т.Рисқулов бу ҳақида шундай ёзган эди: “Туркистонни европали аҳоли орасида шу вақтдаёқ социал-демократик ва эсерлар партиясининг куртаклари бор эди, лекин улар қўзғолонга ва чор ҳокимиятининг кўрган чораларига нисбатан муносабатларида ўзларининг “мустамлакачилик миссияси”га содиқ эканликларини кўрсатдилар. Маҳаллий аҳолини шафқатсиз жазо маъмуриятидан қутқариш ҳақида бирор марта қарши фикр билдирмадилар. Аксинча қўзғолонни узил-кесил бостириш тарафдорлари бор эди.

Европали темир йўл ишчиларига келсак, улар мустамлакачилик руҳида тарбияланганлиги ва байналминал сиёсий ташкилоти йўқлиги боис маҳаллий аҳоли қўзғолонга хамдард бўлмадилар. Аксинча баъзи районларда қўзғолонни бостиришда қатнашадилар. Бу нарсалар европали ва маҳаллий аҳолининг инқилобий харакатларида умумийлик бўлмаганлигини кўрсатади[10].

Социал инқилоб учун сардорлик қилиш лозим бўлган саноат ва темир йўл ишчилари маҳаллий аҳоли орасида шаклланмади. Бундан ташқари ўлкада ҳали капиталистик муносабатларни тўлиқ шаклланмаганлиги, маҳаллий аҳолини ижтимоий сиёсий ҳаётга аралаштирилмаслиги каби империяча сиёсат ҳам маҳаллий аҳолини ижтимоий фаоллигига таъсир кўрсатган эди.

Чоризм мустамлакачилигининг стратегик режаларидан бири аҳолини кўчириб келтириш эди. Кўчириб келтирилган деҳқонлар маҳаллий аҳолининг унумдор, сersув ерларига зўрлик билан жойлаштирилдилар, яйловлар тортиб олинди. Ушбу сиёсат ҳам иқтисодий ҳам сиёсий мақсадларни кўзлаган эди. Кўчириб келтирилганлар империя ишончини оқлаб, мустаҳкам таянчга айландилар. Империя ҳудудларида ишсиз юрган турли аҳоли қатламларининг Туркистонга оқиб келиши ўлка ижтимоий маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатди. Бу қатлам келгусидаги инқилобий жараёнларда кўпроқ улушга эга бўлди.

Туркистондаги ишчилар синфи масаласида улар жамиятда ишчилар аристократиясини шакллантирди. Бир хил вазифа бажаришига қарамасдан маҳаллий ишчининг европали ишчидан кам ҳақ олиши табиий ҳол эди. Маошдаги бундай тафовут миллий зиддиятни келтириб чиқариб, европали ишчиларни буржуазиянинг (империянинг-Ҳ.М) хизматкорига айлантирди[11].

Бундан ташқари дворянлар ва хизматчилар бюрократиясининг қолдиқлари Туркистонга жўнатилган эди. Бу ерда ўзларини зўравонлик ва шахсий манфаатлари учун ҳеч нарсадан тап тортмаслигини намоён қилдилар. Ўғрилик, порахўрлик учун шароит яратилди[12]. Улар томонидан маҳаллий аҳоли эзилди.

Шундай вазиятда маҳаллий аҳоли ўз озодлиги учун ҳаракат қилишини маъқул топар эди. Туркистонда инқилобий ҳаракатлар тарихини ўрганар экан Г.Сафаров (Володин) шундай хулосага келган эди: “Шундай қилиб биз кўрдикки, 1917 йил революциясигача Туркистон шароити билан алоқадор инқилобий ғоялар, рус халқи орасида инқилобий ҳаракатнинг заиф учқунлари ҳам, омманинг ҳеч қандай инқилобий ташкилоти, ҳеч қандай

инқилобий анъаналари бўлмаган. Миллий тенгсизлик асосида мустамлакадаги миллатлар ва келгинди аҳоли ўртасида келишмовчиликнинг ўтиб бўлмас девори мавжуд эди”[13]. Яъни европали аҳоли яшайдиган янги шаҳарлардаги ғоялар маҳаллий аҳолига алоқадор бўлмаганлигини С.Гинзбург шундай таърифлайди: “Шаҳар худди икки қисмга бўлингандек эди. Эски шаҳар аҳолини тезлик билан миллий мухторият учун курашга тайёрлаётган ўз буржуазияси ташвиқотларига ишониб, ўз билганларича турмуш кечиришар эди. Янги шаҳарда эса сиёсий партиялар ва гуруҳлар ўртасида зиддият кечарди. Бироқ ушбу курашнинг мазмуни қишлоқ ва овуллар учун тушунарсиз эди”[14].

Совет адабиётларида «инқилобий» кўтарилиш 1917 йил сентябрь ойида юқори даражага чиқди деб бисёр ёзилган. Сабаби европалик аҳоли вакилларнинг саросимага тушиши, ҳокимиятга интилиши келажакдан хавфсираш, совуқ нафаси юзларга урилаётган очарчилик олдидаги жунбушга келиши эди. Буни Туркистондаги партияси тарихчиси Е.Федоров шундай ёзади: “Солдатларнинг биринчи оммавий чиқишлари – савдо расталари, биноларни ўзбилармонлик билан тинтув қилиш, йўловчиларнинг озиқ-овқат ва матолар юкларини мусодара этишдан иборат бўлди. Жабрдийдалар Тошкентга мутлақо четдан келган ўзбеклар эди. Бундай ҳолат 1917 йил август ойининг ўзида ўттиздан зиёд бўлди”[15].

Туркистондаги 1917 йил сентябрь ойи воқеалари европали аҳоли ва маҳаллий халқлар ўртасидаги бўлинишни кучайтириб юборди. Бирига эски шаҳар ва қишлоқлар ҳисобига бўлса ҳам нон ва эркинлик, иккинчиси учун миллий озодлик нон каби зарур эди. Ижтимоий сиёсий харакатлар икки йўналишда ривожланди: биринчиси маҳаллий аҳоли учун бегона бўлган пролетариат диктатурасини ўрнатиш, иккинчиси миллий мустақиллик учун курашдан иборат бўлди.

Европали ишчилар синфи, деҳқон ва солдатлардан иборат имтиёзли ҳуқуқларга эга бўлган бу гуруҳларнинг қандай йўл билан бўлсада ҳокимиятни эгаллашга бўлган интилиши октябрь тўнтаришининг ҳаракатлантирувчи кучларини шакллантирди. 1917 йил ноябрь ойининг бошида большевиклар фақатгина қурол кучига таянган ҳолда Тошкент шаҳрида ҳокимиятни қўлга киритишди. Бу ҳолни архивларда сақланиб қолган ўша даврга оид кўплаб расмий ҳужжатлар ҳам исботлайди: «Туркистон бир неча ўн йиллар мобайнида чоризм мустамлакаси бўлиб келди ва бу ҳол барча ижтимоий кайфият ва муносабатларда ўзининг ўчмас муҳрини қолдирди. Чоризм томонидан олиб борилган мустамлакачилик кайфияти ва сиёсати амалдор ва хизматчи унсурлардан ташқари ҳатто рус темир йўлларига ҳам ўз таъсирини ўтказган эди. Шунинг учун тўнтаришнинг бошиданоқ совет ҳокимиятини бу ерда фақат рус кишилари амалга оширди. Туб аҳолидан эса мустамлакачи маҳаллий ҳокимиятга алоқадор кишиларгина унда қатнашиши мумкин бўлиб, аҳолининг қолган катта қисми учун бу ғоялар бегона ва тушунарсиз эди»[16]. Туркистондаги партия тарихчиси И.Сольцнинг ушбу фикрлари ҳам бу ҳодисани тасдиқлайди: «Туркистонда февраль ва октябрь инқилоблари Питер ва Москвадаги революцияларнинг акс садоси сифатида пайдо бўлди. Бу ҳокимият аввалги мустамлакачилик тузуми таянчи бўлган европалик аҳоли қўлида ўйинчоқ бўлиб қолди. Бу кўз юмиб бўлмайдиган ҳақиқат эди...[17]

Мустафо Чўқай ўғлининг “1917 йил хотира парчалари” эсдалигида маҳаллий аҳоли большевикларнинг Муваққат ҳукумат билан курашига русларнинг ўзаро ички низоси сифатида қараганлигини ва унда иштирок этмаганлигини эътироф этади. Ҳамда ҳокимият учун курашда маҳаллий аҳоли иштирок этмаганлигининг сабабини халқнинг қуролсиз бўлганлиги билан изоҳлайди[18].

Туркистон большевиклари ўлкадаги махаллий аҳолининг фикрига беписандлик билан қарадилар ва бутун ҳокимиятни ўз қўлларига олиш учун курашга киришдилар. Демократик кучлар эса бу ҳолга қатъий норозилик билдирдилар. Масалан, 1917 йил 13-17 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган шаҳар ўз-ўзини бошқариш ташкилотларининг Туркистон ўлка съезди қатнашчилари ҳокимиятни тўлалигича большевиклар қўлига ўтишига кескин қаршилик кўрсатишди. Съезд ҳокимият масаласига оид қуйидаги резолюцияни қабул қилди: “Ҳокимиятни маҳаллий аҳоли манфаатлари учун тасодифий ва бегона бўлган харбийлар, ишчилар ва деҳқон (крестъян) ларнинг майда гуруҳлари қўлидагина тўпланиб қолиши

**демократия тамойилларига** мос эмас ва маҳаллий аҳолини ўз тақдирини ўзи белгилаш йўлидаги эркин ҳаракатларига кафолат бера олмайди»[19].

**Хулоса:**

Хулоса қилиб айтганда, Туркистонда социал инқилоблар анъаналари хам пайдо бўлмаган эди. Октябр ғоялари ўлканинг кўп минг йиллик давлатчилик тарихи ҳамда миллий, диний қадриятларига зид бўлганлиги боис ҳарбий ҳаракатларга таяниб жорий этилди. Унинг харакатлантирувчи кучлари кенг ҳалқ оммаси вакилларига таянмади. Мустамлакачилик тузумини барқарор бўлишида таянч вазифасини ўтаган европали унсурлар томонидан ғалаба қилган октябрь тўнтариши маҳаллий аҳолининг манфаатларига мос келмаслиги равшан эди. “Пролетариат диктатураси”, “пролетариат интернационализми” каби таълимотларга ва синфий курашдан куч оладиган совет давлатчилиги амалиётидаги бузилишлар қоришиб кетди. Шунингдек октябрь тўнтариши, большевикларнинг кейинги сиёсатларидан чиқарилган сабоқлар, синфий курашлар келтириб чиқарадиган фожеаларни такрорланишига йўл қўймаслик йўлидаги уринишлар туфайли қатор капиталистик мамлакатларда янгича қарашлар пайдо бўлди.

**Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Сольц И. К истории коммунистической партии Туркестана. –Т., 1920; Сафаров Г. Колониальная революция: (Опыт Туркестана). –М., 1921; Борисов Н. Октябрьь в Туркестане. –Т., 1922; Мусбюро РКП (б). -1,2,3 Туркестанские краевые конференции РКП (б). 1919-1920 гг. С введением тов. Рыскулова. –Т., 1922; Унинг ўзи Революция и коренное население Туркестана: Сборник статей, докладов, речей и тезисов с предисловием автора. Ч.1. 1917-1919 гг. –Т., 1925; Асаткин А.Н. Очерки хозяйственной жизни Туркреспублики. –М., 1924; Очерки революционного движения в Средней Азии: Сборник статей. –М., 1925; Муравейский С. Очерки по истории революционного движения в Средней Азии. –Т., 1926; Резцов Л. Октябрьь в Туркестане. –Т., 1927; Алексеенков П. Октябрьь в Туркестане –Т., 1931; Ходжанов С. К 10-летию советской автономии Туркестана. –Т., 1928;

2. Алимова Д. Современные парадигмы и некоторые «болезни роста» исторической науки в Узбекистане, //Историческая наука постсоветской Центральной Азии: обретения и проблемы (материалы Международной научно-теоретической конференции) Алматы, 2007, 24 стр.

3. Вестник Московского университета, Серия История, № 4, 1989 июл-август,73-75 стр

4. Октябрььская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы, перспективы изучения. Т., «Фан».,1991. 281с

5. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. –Т.: Шарк, 2000. -672 с.; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. –Т.: Шарқ 2000. -688 б.; Алимова Д.А., Голованов А.А. Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий тайзиқ оқибатлари. –Т.: Ўзбекистон. 2000. 70-с.; Алимова Д.А. Джадидизм в Средней Азии. Пути обновления, реформы, борьба за независимость. –Т.: Ўзбекистон. 2000. - с.; 20 асрнинг дастлабки ўттиз йиллигида Ўзбекистонда тарих фани (тарихшунослик очерклари). 1,2 қисмлар//масъул муҳаррир Д.Алимова. –Т., 1994; Раджабов К.К Вооружённое движение в Туркестанском крае против советского режима (1918-1924 гг): Автореф. дисс… докт.ист.наук. –Т., 2005. -64 с.; Абдуллаев Р.М. Национальные политические организации Туркестана в 1917-1918гг.: Автореф.дисс…докт.ист.наук. –Т.: 1998; Кулиев Х.М. Складывание экономических и духовных основ тоталитарного строя в Туркестане (1917-1920гг): Автореф.дисс…канд ист.наук. –Т.: 1998. -27 с.; Озерова Н.Г. Дехканство Туркестана в условиях перехода к НЭПу (1991-1924): Автореф. дисс…канд.ист.наук, Хайдаров М.М. Централизаторская политика советской власти в Туркестане и её последствия (1917-1924 гг.) : Автореф.дисс…канд.ист.наук. –Т.: 1998. -28 с.;

6. Алимова Д.А. и др. История Узбекистана (1917-1991 гг) Учебник для 9-10-х классов общеобразовательных школ. –Т.: Шарқ, 2002.-271 с.; Ўзбекистон тарихи (Учебник для студентов неспециализированных вузов)Под общей редакцией Р.Х.Муртазаевой. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. -675 с. и др.

7. Земцов Б.Н., Социально-психологические предпосылки революции 1917 г. в России, Автореф. док.ист.наук, М., 1993, 30-36 стр.

8. Вестник воспитания, Под ред. Н.Ф.Михайлова. М., № 4-5, апрел-май 1917г, 45 стр.

9. Жамиятни тутиб турувчи маънавий аҳлоқий қадриятларнинг беқадрлиги, улардан воз кечилиши

10. Масанов Э и др. История Казахстана (народы и культуры) Дайн пресс. Алматы, 2001, 257-262 стр.

11. Рыскулов Т, Восстание туземцев Туркестана в 1916 году, Очерки революционного движения в Средней Азии, Изд. Науч. Ассоц. Востоковедения, М, 1926 г, 87 стр.

12. Вл. Лавернтьев, Капитализм в Туркестане (бур. Колонизация Средней Азии) Изд Ком. Акад, Л, 1930, 139 с.

13. Поздньшев А, Завоевания Октябрьской революции, Изд ЦК КПТ, Т,1922, 12 стр

14. Сафаров Г, Колониальная революция (Опыт Туркестана) Госиздат. М, 1921. Р.В.Ц, 54 с.

15. Гинзбург С. Басмачество в Фергане. Очерки революционного движения в Средней Азии, Изд Научной Ассоц. Востоковедение, М, 1926 г, 131 стр.

16. Федоров Е. К истории Коммунистической партии Туркестана // Коммунистическая мысл, Книга 3,Т, 1927, Изд САКУ, 299- 309с

17. Ўзбекистон МДА,17-ф, 1-р, 39-иш, 17-18-в

18. Сольц И. К истории К.П.Т. //Три года советский власти. Т, Туркгосиздат, 1920, с 45-46.

19. Шодмонова С, Немис ва турк тарихшунослигида совет мустамлакачилигига қарши кураш масаласи (1917-1924 йиллар), Т., “ABUMATBUOT KONSALT”, 2008, 50бет

20. Ўзбекистон МДА, И-1044-ф, 1-р, 12-иш, 27-28-в

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

## LOOK TO THE PAST

**Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz**
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000